

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ**

**А Ж Р И М И**

№ 3-1-2007-1901/48-2021

2021 йил октябрь ойининг 11 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси И.Хамидов, ҳайъат судьялари Ҳ.Ярашов ва О.Набиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Мелибоевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Э.Султанов, судланувчи Ш.Шеров ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Жўраев, жамоат ҳимоячиси С.Нурматовларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 2019 йил 27 сентябрдаги ҳукмига кўра,

**Шеров Шамшод Джумаевич (Sherov Shamshod Djumayevich)**, 1978 йил 2 ноябрь куни Бухоро вилояти Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Vixaratekst” масъулияти чекланган жамияти директори лавозимида ишлайди, Бухоро шаҳри “Қалқон” кўчаси, 221-уйда яшайдиганга

нисбатан чиқарилган ҳукми устидан Бухоро вилояти Жондор туман прокурори томонидан билдирилган апелляция тартибидаги протестига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Ш.Шеров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбисиз деб топилиб, оқланган.

Бухоро вилоят Божхона бошқармаси Когон ТИФга “Vixaratekst” МЧЖ томонидан 14.12.2018 йилдаги М181214-сонли шартномага асосан тақдим этиладиган божхона декларациясини қабул қилиб, рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш мажбурияти юкланган ва божхона тўғрисидаги қонун талаблари бажарилгач, ашёвий далил деб эътироф этилган 1206 дона телевизорлар Ш.Шеровга қайтарилиши белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 27 ноябрдаги ажрими билан Ш.Шеровга оид иш юзасидан биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 3 сентябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Ш.Шеровга нисбатан чиқарган 2019 йил 27 ноябрдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг 2021 йил 23 мартдаги ажрими билан Ш.Шеровга оид иш юзасидан биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 9 августдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Ш.Шеровга нисбатан чиқарган 2021 йил 23 мартдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Дастлабки тергов органи томонидан, Ш.Шеров Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар баробарида тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёزلардан қонунга хилоф тарзда ўзининг жиноий мақсадларида фойдаланиб, Республика иқтисодиётини нормал ривожланишини таъминловчи хўжалик фаолиятини амалга ошириш тартибига зид равишда, назорат қилинмайдиган даромад олишни кўзлаб, жуда кўп миқдорда божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш мақсадида, божхона тўловлари юқори ҳисобланган ҳар хил ўлчамдаги телевизорларни юк кузатув ҳужжатларида божхона тўловлари паст ҳисобланган “Нити синтетический”, “Войлок непропитанные из прочих текстильных материалов”, “Войлок для основы” ва “Стекловата” товарлари номи билан кўрсатиб, ушбу товарларни божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларация қилмасдан, яъни ёлғон маълумот киритилган ва бошқа товарларга тегишли ҳужжатларни ҳамда товарлар ҳақида маълумотларни қасддан баён қилмасдан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиб, жуда кўп миқдордаги божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, ушбу товарларни божхона назорати режимидан чиқаришда фойдаланиш мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий



ҳужжатларни такроран қалбакилаштириш, ҳужжатнинг қалбаки эканини била туриб, ундан фойдаланиш жиноятларини содир этганликда айбланган.

Жумладан, эълон қилинган айбловга кўра, Ш.Шеров Хитой Халқ Республикасидан Ўзбекистон Республикасига телевизорларни импорт қилишни мақсад қилиб, мазкур телевизорларни шу вақтда расмий ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикаси божхона назоратидан олиб ўтган тақдирда божхона тўловлари юқори нархларда ҳисобланишини англаб, ноқонуний равишда телевизорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришни режалаштириб, шу вақтда Бухоро вилоятида давлат рўйхатидан ўтган "Vixaratekst" МЧЖнинг расман директори ҳисобланса-да, ушбу МЧЖ номига телевизорларини ноқонуний равишда олиб кирса ва бу ҳолат келгусида аниқланса, жиноий жавобгарликка тортилишини билиб, жавобгарликдан қутулиш мақсадида, Бухоро вилоятдан давлат рўйхатидан ўтган Хитой Халқ Республикасидан Ўзбекистон Республикасига маҳсулотларни импорт қилиш учун 2018 йил 10 январь куни "Xinjiang Lianda Weiye Economy and Trade Co.Ltd" компанияси билан 1/2018-сонли, 2018 йил 13 декабрь куни "Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd" компанияси билан M181213-сонли шартномаларга эга бўлган ва турли хилдаги маҳсулотларни доимий равишда импорт қилувчи "Shaxboz carpet tekstile" МЧЖ номига, ушбу МЧЖ раҳбарларидан яширин равишда телевизор маҳсулотларини ҳужжатларда бошқа турдаги товарларнинг номини кўрсатган ҳолда келтирганликда, хусусан "Xinjiang Lianda Weiye Economy and Trade Co.Ltd" компаниясининг топшириғига асосан Қозоғистон Республикасининг "KZ Carrier LLC" компаниясидан 2018 йил 18 декабрь кунги 88/1-сонли инвойс, 74192272-сонли СМГС билан жами 5243,2 АҚШ доллари қийматидаги "Нити синтетический", "Войлок не пропитанные из прочих текстильных материалов" ва "Стекловата" номдаги товар-моддий бойликлари CRXU9743176 рақамли юк контейнерида, "Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd" компаниясининг топшириғига асосан Қозоғистон Республикасининг "KZ Carrier LLC" компаниясидан 2018 йил 24 декабрь кунги 1/1-сонли инвойс, 74192271-сонли СМГС билан жами 5422,1 АҚШ доллари қийматидаги "Нити синтетический" ва "Войлок для основы" номдаги товар-моддий бойликлари PRGU9325586 рақамли юк контейнерида "Shaxboz carpet tekstil" МЧЖга юборилган темир йўл платформалари, 2018 йил 29 декабрь куни Бухоро вилоятидаги "Хўжадавлат" чегара божхона пости орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган, 2018 йил 31 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан Бухоро шаҳрида ўтказилган тезкор тадбирда, CRXU 743176 рақамли ва PRCU 9325586 рақамли юк контейнерлар белгиланган тартибда кўздан кечирилганда, ушбу контейнерларда юқоридаги йўл юк ҳужжатларида қайд қилинган товар-моддий бойликлар мавжуд эмаслиги, уларнинг ўрнида йўл юк ҳужжатларида кўрсатилмаган 1206 дона турли ўлчамдаги "LG" русумли телевизорлар мавжудлиги аниқланиб, баҳолаш фаолияти билан шуғулланувчи "Электрон Баҳолаш" МЧЖнинг 03.01.2019 йилги 40/1-19-ЕВ рақамли баҳолаш ҳисоботида кўра, мазкур телевизорларнинг умумий қиймати 5.072.199.000 сўмни такшил қилган бўлиб, Бухоро вилояти божхона бошқармаси божхона тўловлари бўлимининг 03.01.2019 йилги 47-сонли маълумотномасига кўра, ушбу телевизорлар учун 5.016.521.835 сўм божхона тўловлари ҳисобланиши қайд этилган, шундан сўнг, Ш.Шеров жиноий фаолияти ошкор бўлганини била туриб, ўзини жиноий жавобгарликка тортилишини олдини олиш ва жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида ушбу телевизорлар аслида "Vixaratekst" МЧЖ номига келиши керак бўлгани, юборувчи компаниянинг хатоси туфайли товарлар "Shaxboz carpet tekstile" МЧЖ номига бошқа ном билан келиб қолгани ҳақидаги хатни тайёрлаб, ушбу хатга илова қилган ҳолда 22.12.2018 йилги "Xinjiang Lianda Weiye Economy and Trade Co.Ltd" компаниясининг рақамсиз ва штампсиз хати нусхаси, 20.12.2018 йилги 88/1 сонли инвойс нусхаси, 27.12.2018 йилги "Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd" компаниясининг рақамсиз ва штампсиз хати нусхаси, 26.12.2018 йилги 1/1 сонли инвойс нусхаси, 14.12.2018 йилги "Vixaratekst" МЧЖ ва "Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd" компаниясининг M1 81214-сонли шартномаси нусхаси, ушбу шартноманинг спецификацияси нусхаси ва қўшимча келишувлари нусхаларини дастлабки терговда аниқланмаган усулда қалбакилаштирган ҳолатда тайёрлаб, ушбу ҳужжат нусхаларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасига ноқонуний равишда кириб келган телевизорларни расмийлаштириб олиш мақсадида уларни божхона идораларига тақдим этганликда;

шунингдек, Ш.Шеров ўзининг жиноий режасини охирига етказиш мақсадида "Xinjiang Lianda Weiye Economy and Trade Co.Ltd" компаниясининг санасиз, рақамсиз ва штампсиз хати, 20.12.2018 йилги 88/1 сонли инвойс, "Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd" компаниясининг санасиз, рақамсиз ва штампсиз хати, 26.12.2018 йилги 1/1 сонли инвойс, 14.12.2018 йилги "Vixaratekst" МЧЖ ва "Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd" компаниясининг M1 81214-сонли шартномаси, ушбу шартноманинг спецификацияси ва қўшимча келишувларини ҳам дастлабки терговда аниқланмаган усулда қалбакилаштирган ҳолатда тайёрлаб, ушбу ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасига ноқонуний равишда кириб келган телевизорларни расмийлаштириб олиш учун фойдаланиб, тергов идораларига тақдим этиб, жуда кўп миқдордаги божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, ушбу товарларни божхона назорати режимидан чиқаришда фойдаланиш мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни такроран қалбакилаштириш, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш жиноятларини содир қилганликда Жиноят кодекси 182-моддаси 2-қисмининг "а" банди, 228-моддаси 2-қисмининг "а" банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Апелляция протестида биринчи инстанция суди ишнинг барча ҳолатларини тўлиқ ўрганмасдан Ёровни оқлаш ҳақида хулоса қилганлиги сабабли суднинг оқлов ҳукмини бекор қилиб, Ш.Шеровга батан айблов ҳукми чиқариш сўралган.



Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси И.Хамидовнинг маърузасини, прокурор Э.Султановнинг суднинг ҳукмини бекор қилиб, Ш.Шеровни Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбланиш ҳақидаги, оқланган Ш.Шеров ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Жўраев ҳамда жамоат ҳимоячиси С.Нурматовларнинг суднинг оқлов ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган протестни қаноатлантормасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, апелляция протестида келтирилган вазиятни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга қисман суд тергови ўтказиш йўли билан таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, протестни қаноатлантормасдан қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган Ш.Шеров кўп йиллардан бери “Vixaratekst” МЧЖда мутахассиси, кейинчалик эса раҳбар бўлиб ишлаб келаётганлигини, корхонанинг ишини ривожлантириш учун 2017 йил декабрь ойида Хитойга борганлигини, унинг асосий мақсади Бухорода тайёр телевизор маҳсулотини ишлаб чиқариш бўлганлигини, дастлаб у Хитойда биронта корхона билан шартнома тузаолмаганлигини, Хитой давлатидаги “Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd” компанияси телевизор ишлаб чиқариш билан шуғулланганлиги боис шу компания раҳбари Шин билан интернетнинг “WECHAT” алоқа тармоғи орқали мулоқотда бўлиб, ўзининг корхонаси ҳақидаги реқвизитлар, телефон рақами ва бошқа зарурий маълумотларни юбориб, шартнома тузиш таклифини киритганлигини, ушбу компания уларни корхонасини бир йил давомида ўрганганидан сўнг 2018 йил декабрь ойида электрон тарзда улар билан шартнома имзолаб ҳар хил ўлчамдаги телевизорларни юборганлигини, Хитойлик ҳамкорлари 2018 йил 26 декабрда “Vixaratekst” МЧЖ номига келиши керак бўлган телевизорни ҳужжатларида хатоликка йўл қўйилиб, “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ номига юборилганини хитойлик ҳамкорлари телефон қилиб айтганлигини, шундан сўнг у божхонага бориб, ўзига қарашли бўлган йўлда келаётган юкларнинг ҳужжатларида хатолик мавжудлигини айтганлигини, шунда божхона ходимлари унга юк келгандан сўнг ариза билан тўғрилаб олиши мумкинлигини айтганлигини, кейин у Хитой давлатидаги “Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd” компанияси томонидан юборилган янгидан тўғриланган инвойсларни интернетнинг “WECHAT” алоқа тармоғи орқали қабул қилиб, принтер ускунаси ёрдамида чиқариб олиб 2018 йил 30 декабрь санасидаги 85-сонли хат билан “Когон” ТИФ божхона постига бориб мурожаат қилганини, янги йил байрам кунларига тўғри келгани учун 2019 йил 2 январь куни тақдим этганлигини, ушбу хатда келган товарлар “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ номига адашиб юборилгани ҳақида ва контейнерларда телевизор маҳсулотлари борлигини кўрсатганлигини, 2018 йил 30-31 декабрь кунлари божхона ходимлари корхоналаридаги барча нарсаларни рўйхатга олганлигини, ўшанда улар нима қидирганини билмаганлигини, бу пайтда телевизорлар жойлаштирилган контейнерлар божхона постидан ўтказилиб “Амир Дамир” корхонасига тегишли бўлган омборхонага тушириб қўйилганини, 2019 йил 2 январь куни у “Амир Дамир” корхонаси омборхонасига борганида божхона ходимлари контейнерларни очиб, товарларни кўздан кечириш суриштирув ҳаракатларини ўтказишлигини айтишганини, шу ерда ҳам у ушбу контейнерлардаги товарлар унга тегишли эканлигини айтиб, ҳужжатларни тақдим этганини, кейин божхона ходимлари контейнерни очиб ичидаги телевизорларни санокдан ўтказганида 1 дона телевизор кам эканлиги аниқланганини, бу ҳақда шу жойнинг ўзида бирор-бир ҳужжат расмийлаштирилмаганини, жиноят ишига қўшилган кўздан кечириш баённомаси қачон тузилганидан хабари йўқлигини, кўздан кечириш пайтида божхона ходимлари ундаги ҳужжатларни олиб қўйишгани учун назорат кўриги ўтказиш ёки божхона расмийлаштируви учун товарларга юк декларацияси тўлдириб бера олмаганини, кейинчалик ушбу товарларга Хитой давлатидан самолёт орқали юборилган ҳужжатларнинг аслини илова қилиб божхона расмийлаштируви учун декларация тўлдириб бермоқчи бўлганида божхона ходимлари қабул қилишмаганини, у бирор ҳужжатни сохталаштирмаганини, фақат унга суриштирув даврида айтганлари учун электрон шаклда юборилган ҳужжатларни принтердан чиқариб тақдим қилганини, ундаги ёзув, муҳр ва имзолар хитойлик ҳамкорлари томонидан бажарилган бўлиши кераклигини, Хитой давлатидаги “Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd” компанияси Бухоро шаҳридаги “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ билан бир неча мартаба товар олди берди қилганидан хабари борлигини, лекин у раҳбарлик қилаётган жамият номидан тузган шартнома бўйича телевизорларни “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ номига бошқа товар номи билан ҳужжат тузиб юборилганини сабабини билмаслигини, шартномага кўра хитойлик ҳамкорлари маҳсулотни етказиб берувчи ҳисобланиши ва маҳсулотни етказиб бериш ҳаражатлари уларни зиммасида эканлигини, шу сабабдан бу маҳсулотлар Бухоро шаҳрига қайси чегара постлари орқали ўтиб келишини унга аҳамияти йўқлигини, у келаётган юкни “Хўжадавлат” божхона постидан ўз ихтиёрига кўра олмаганлигини, чунки юкни етказиб бериш жойини Хитой компанияси белгиланганлигини, юк келиш йўналишидан хабари бўлмаганлигини, кейинчалик улар юкни Эрондаги омборидан ортиб юборганини билганлигини, Хитойдаги иккала компаниянинг раҳбари ҳам Шин бўлганлигини, Хитойнинг Хинжан шаҳридаги ҳамда Жинсан шаҳридаги корхоналари битта корпорациянинг таркибидаги корхоналар эканлигини, у тергов даврида олдиндан контейнерлардаги маҳсулот телевизор эканлигини айтган бўлишига қарамасдан, уни нотўғри айблаганлигини, унга оид жиноят ишини ДХХнинг терговчилари амалга оширганлигини, 1 йилдан ортиқ давом этган тергов жараёнларидан сўнг, жиноят ишлари бўйича Жондор туман судида иш кўриб чиқилганида, Хитойдаги ҳамкори ҳам келиб иштирок этиб, ҳужжатларда улар томонидан хатоликка йўл қўйилганлигини маълум қилганлигини, амалдаги қонунчиликка мувофиқ божхона орқали келган юк бўйича хатолик бўлса, улар юк эгасини чақириб, мавжуд камчиликни тузатиш учун вақт бериши кераклигини, божхона ходимлари унга ҳатто декларация тўлдириш учун ҳам имконият бермаганлигини,



шу сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, келтирилган протестни рад қилишни сўраб, кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Ж.Яхёев, у божхона органлари тизимида 2003 йилдан буён ишлаб келишини, 2018 йилда “Когон” ТИФ божхона пости бошлиғи вазифасида ишлаганини, 2019 йил 1 январь куни темир йўл транспорти билан келган юкларнинг 2 та контейнери назоратга олинмаганлигини, 2019 йил 2 январь куни назорат пайтида маҳсулот эгаси Ш.Шеров “Vixaratekst” МЧЖ номидан у раҳбарлик қилаётган “Когон” ТИФ божхона постига хат билан мурожаат қилиб юк ҳужжатларида хатолик кетганлигини, ушбу контейнерларда келган товарлар “нит эмас, балки “телевизор” эканлигини маълум қилганлигини, бироқ декларация тақдим этмаганлигини, кейин улар юкни қабул қилиб олганлигини, хатга ўша пайтдаги ходимлар, яъни “Б.Акрамов ва З.Райимовга белгиланган тартибда божхона расмийлаштирувини ўтказиш учун” деб резолюция қўйиб берганини, шундан кейин Б.Акрамов ва З.Райимов контейнерларни очиши давомида давлат божхона кўмитаси контрабанда ходимлари келишиб, уларнинг бошчилигида кўздан кечириш, товарларни саноқдан ўтказиш ва олиб қўйиш ҳаракатлари ўтказилганини, бу ҳақда баённома қачон ва қаерда тузилганини билмаслигини, божхона қонунчилигига кўра, ҳар қандай юк доимо унинг эгаси билан биргаликда очилиши, қачонки ташувчи билан биргаликда назоратда бўлган юклар эгаси бўлмаса ҳам очилиши ва саноқдан ўтказилиши, ТИФ ТН коди аниқланиши, шундан кейин ТИФ ТН коди бўйича божхона тўловлари ҳисобланиши мумкинлигини, хатолик юзасидан ариза берилгандан сўнг, юкнинг эгаси юкни кўриқдан ўтказишини, бунда божхона ходими иштирок этиб кузатиб туришини, шундай ҳолатда юк эгаси маҳсулот ҳужжатида декларация тўлдирилгунга қадар тузатиши ёки декларацияда ҳақиқий ҳолатни кўрсатиши мумкинлигини, божхона тақдим қилинган юк кузатув ҳужжатларини сканер қилинган нусхаси ҳам қабул қилинишини, буни тадбиркорни ўзи тақдим қилишини, хоҳласа факс, мессенжер ёки интернетнинг бошқа тармоқлари орқали олиши мумкинлигини, бундай ҳолда асл ҳужжат топширилиши шарт эмаслигини, агарда божхона органи ходимларида шубҳа туғилса, асл ҳужжатни сўраб олиш ҳуқуқига эга эканлигини, унинг иш фаолияти давомида товарлар учун божхона тўловларини амалга ошириш учун БЮД, яъни декларация тўлдирилмасдан фақатгина юк кузатув ҳужжатлари асосида божхона расмийлаштирувидан ўтказилган ҳолат кузатилмаганини, “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖга тегишли товарларни текширилганлик ҳолати бўйича тадбиркорга нисбатан бирор бир қонун бузилиш аниқланмаганини, божхона инспекторлари пост бошлиғининг рухсатисиз божхона назоратидан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишганлиги учун интизомий чоралар қўлланганини билдириб, кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ М.Ачилов 2015 йилдан “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖда директорнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб келишини, ушбу МЧЖнинг асосий фаолият тури улгуржи савдо-сотиқ ҳисобланишини, шунинг учун Хитой, Туркия, Эрон давлатларидан товарлар импорт қилинишини, 2018 йил декабрь ойининг 30 куни “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ номига Хитой давлатидан товарлар келаётгани ҳақида хабар топганлигини, шу вақтда унга “Vixaratekst” МЧЖ раҳбари ҳисобланган Шеров Шамшод уни МЧЖсига Хитой давлатидан телевизорлар юборилганини, ушбу телевизорлар Хитой давлати компаниясининг хатоси туфайли “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ номига келаётганини айтганлигини, у жамият директори М.Тешаевага бу ҳақда айтганида у телевизорларга бунортма берилмаганлигини, ушбу товарларни “Vixaratekst” МЧЖ номига расмийлаштириш юзасидан божхона идораларига хат билан мурожаат қилишини айтганлигини, шунда у аслида “Vixaratekst” МЧЖ номига келиши керак бўлган товарлар Хитой давлатидаги компаниянинг хатоси туфайли “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ номига келгани ва ушбу товарлар Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Когон” ТИФ божхона постида эканини билиб, 2018 йил 30 декабрь куни Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Когон” ТИФ божхона пости бошлиғи Ж.Яхёевга мурожаат этиб, 2019 йил 2 январь куни 357-сонли хатни ўзи имзолаб, “Когон” ТИФ божхона пости ходимига топширганлигини, худди шунингдек, “Vixaratekst” МЧЖ директори Ш.Шеров ушбу товарлар “Vixaratekst” МЧЖ номига келиши керак бўлгани, хатолик туфайли “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ номига келиб қолгани ҳақидаги хат ёзиб, юкни юборувчи “Jiangsu Mittal international Trading Co Ltd” компаниясининг хати ва инвойсдан нусха олиб, олинган ҳужжатларни Бухоро вилояти божхона бошқармасига тақдим этганлигини, нима сабабдан “Jiangsu Mittal international Trading Co Ltd” компанияси “Нити синтетический”, “пропитанные из прочих текстильных материалов” ва “Стекловата” номдаги товар-моддий бойликларини юборганидан хабари йўқлигини, Хитойдан товар келгандан бундан олдин ҳам бир неча мартаба адашиб, юк жўнатишлар бўлганлигини, юк келганидан кейин камчиликлар бартараф қилиниб, кейин ҳужжатлар расмийлаштирилганини, 2019 йил йил 2 январь куни соат 10-11ларда божхона ходимлари уни чақиритиб, “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ номига келган 2 контейнерлардаги товарларни очиб, божхона кўригидан ўтказиш кераклигини, шу сабабли божхона кўригида иштирок этишини сўраганлигини, у МЧЖ директори номидан берилган ишончнома асосида ушбу божхона кўригида иштирок этганлигини, шунда ушбу контейнерлар очилган вақтда уларда турли ўлчамдаги телевизорлар борлиги аниқланганини, ушбу телевизорлар у ишлаётган МЧЖга тегишли бўлмагани сабабли уларни кўздан кечириш жараёнини охирига қадар иштирок этмаганини, унга кўздан кечириш баённомаси тақдим қилинмаганини, контейнерлар очилган вақтда хатлар ва инвойс тақдим қилинганини, декларацияни юкни кўздан кечиришдан олдин ҳам, юкни кўздан кечирилганидан кейин ҳам тақдим қилиш мумкинлигини, агар келганда ҳужжатларда камчилик бўлса 1 ой ичида ҳужжатлар тузатилиб, қайта тақдим қилинса ҳам ашини билдириб, кўрсатув берди.



Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳ Б.Акрамов божхона органларида 2005 йилдан буён ишлаб келишини, 2019 йилнинг 2 январь куни “Когон” ТИФ божхона постида хизмат вазифасини бажараётган вақтида, унга пост бошлиғи Ж.Яхёев зудлик билан “Амир Дамир” МЧЖ омборига етиб боришини ва у ерда амалга оширилаётган божхона кўздан кечирувида иштирок этишини айтганлигини, шундан сўнг у пост ходими Райимов Зафар билан биргаликда “Амир Дамир” МЧЖга борганлигини, у ерда Бухоро вилоятдан давлат рўйхатидан ўтган “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ номига келган контейнерларни очишда иштирок этганлигини, бу жараёнда жамият вакили М.Ачилов ва “Vixaratekst” МЧЖ раҳбари деб ўзини таништирган Ш.Шеров қатнашганлигини, текширишда контейнерлар пломбалари бутлиги текширилиб, уларнинг бутлиги ҳужжатлар билан солиштирилиб, шундан сўнг божхона кўриги ўтказилганлигини, улар телевизорларни тушириб, санокдан ўтказиб берганлигини, божхона кўриги ўтказиш далолатномасини давлат божхона кўмитаси контрабанда гуруҳи ходимлари тузиб, бир кундан кейин имзо қўйдирганлигини, Ш.Шеров томонидан қисқа декларация тақдим қилинганидан хабари йўқлигини, бироқ Ш.Шеров ушбу товарлар унинг жамиятига келганлиги ҳақидаги ҳужжатларни контрабанда гуруҳи ходимларига берганини, божхона кўриги ўтказиш жараёнида унга юк юкланган контейнерларнинг чегарадан ўтган муҳр ҳужжатлари берилганлигини, у ҳужжатлар билан муҳрларни солиштириб, ҳужжат билан мос бўлгани сабабли контейнерларни очганини, текширишда Ш.Шеров томонидан декларация тақдим қилинмаганлигини, божхона қонунчилигига кўра декларациядаги товар рўйхати билан товар текширилишини, агар ходим тўлиқ маълумотга эга бўлмаса “осмотр”га айтилишини, шу билан “осмотр” қилинишини, аслида электрон шаклда декларация қабул қилинишини, кейин юк эгаси томонидан берилган ҳужжатлар билан солиштирилиб, кейин юк кўздан кечирилишини, лекин бу иш бўйича бундай ҳолат бўлмаганлигини, унга декларация тақдим қилинмаганлигини, божхона кўриги ўтказиш жараёнида видео кузатув орқали суратга олиб борилганлигини, божхона режимига олиш учун декларация тақдим қилиниши кераклигини, шу билан божхона режимига олинишини, агар тезкор маълумотлар бўлса декларация тақдим қилинмаган бўлса ҳам божхона кўриги ўтказиш мумкинлигини, юк божхонага келиб тушгач, узоғи билан 15 кун ичида декларация тақдим қилиниши шартлигини, юк божхонага келиб тушгач, ҳужжатлар ёки юк хато келган бўлса қайта декларация тақдим қилинишини, шу орқали расмийлаштирилиши мумкинлигини билдириб, кўрсатув берди.

Судда сўроқ қилинган гувоҳ Райимов Зафар Пиримович, божхона органларида 2007 йилдан буён ишлаб келишини 2019 йилнинг 2 январь куни у “Когон” ТИФ божхона постида хизмат вазифасини бажараётганида, унга пост бошлиғи Ж.Яхёев зудлик билан “Амир Дамир” МЧЖнинг омборига етиб боришини ва у ерда амалга оширилаётган божхона кўздан кечирувида иштирок этишини айтганлигини, шундан сўнг, у ва ушбу пост ходими Акрамов Бахриддин билан биргаликда “Амир Дамир” МЧЖга борганлигини, шунда уларга ҳужжатлар тақдим қилинганлигини, у ушбу ҳужжатларни кўздан кечирганида ҳужжатларда “Нити синтетический”, “пропитанные из прочих текстильных материалов” ва “Стекловата” деб ёзилганлигини, кейин контейнерлар очилганда телевизор келганлиги аниқланганини, кейин телевизорларни тушириб санокдан ўтказганлигини, уларга декларация тақдим қилинмаганлигини, бундай ҳолларда ҳам юкни кўздан кечириш мумкинлигини, божхона постига юк келганидан кейин юк эгаси хат бериб, шу асосда юк “осмотр” қилинишини, кейин декларация билан тафовут бўлмасин деса, юк очиб кўздан кечирилишини, божхона кўриги ўтказиш пайтида “Vixaratekst” МЧЖ раҳбари деб ўзини таништирган Ш.Шеров қатнашиб, ушбу контейнерлардаги товарлар телевизор эканлигини, ҳужжатларда хатолик бўлганлиги маълум қилиб, бу ҳақдаги юк ҳужжатларини тақдим қилганини, текшириш якунида контрабанда ходимлари далолатнома тузганлигини, бир кун ўтиб, унинг иш жойига келиб, унга ушбу далолатномага имзо қўйдиришганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавfli қилмиши учунгина жавобгар бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши;

23-моддасига мувофиқ, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги;

26-моддасида, суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши;

82-моддасида, айблов ҳукми чиқариш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар, қилмиш рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги исботланган бўлиши кераклиги;

95-моддасида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо беришлари, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги;



463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назардан баҳоланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, юқоридаги қонун талаби ва Пленум қарорида кўрсатилган тушунтиришларга қатъий амал қилиб, Ш.Шеровнинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-бандига биноан айбсиз деб топиб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариб, тўғри ҳулосага келган.

Жумладан, Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми “а” бандида божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни жуда кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” қарорининг 5, 8, 9-бандларида, ЖК 182-моддаси мазмунига кўра, товарлар ёки бошқа қимматликлар қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқиш тарзидаги ҳаракатни қуйидаги усуллардан бири орқали, яъни:

божхона назоратини четлаб ўтиши;

божхона назоратидан яшириши;

божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиши;

декларация қилмасдан ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиши;

чегарани бузиб ўтиб содир этишда ифодаланиши;

Бунда божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда, жумладан, божхона органларига қуйидагиларни, яъни била туриб қалбаки ҳужжатларни, била туриб ёлғон маълумотлар киритилган ҳужжатларни, қонунга хилоф равишда олинган ёки бошқа товарларга тегишли ҳужжатларни, ҳақиқий бўлмаган ҳужжатларни тақдим этиш, қалбакилаштирилган божхона идентификациялаш воситаларидан ёки бошқа товарларга тегишли ҳақиқий идентификациялаш воситаларидан фойдаланиш тушунилиши лозимлиги:

Шунингдек, товарларни декларация қилмасдан божхона чегарасидан ўтказиш товарларни олиб кириш ёки олиб чиқиш (чиқариш), уларни танланган божхона режими остига жойлаштириш, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган товарлар ҳақидаги маълумотларни божхона декларациясида қасддан баён қилмасликни назарда тутиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатларида тўпланган далиллар ва судлов ҳайъати мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, 2018 йил 29 декабрда Бухоро вилоятидаги “Хўжадавлат” чегара божхона пости орқали Ўзбекистонга Хитойнинг “Xinjiang Lianda Weiye Economy and Trade Co.Ltd” ва “Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd” компаниялари топшириғига кўра, Қозоғистоннинг “KZ Carrier LLC” компанияси томонидан Бухородаги “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖга 2 та контейнерларда жами баҳоси 10.665 АҚШ долларига тенг бўлган “Нити синтетический”, “Войлок не пропитанные из прочих текстильных материалов” ва “Стекловата” номдаги товар-моддий бойликларни кўрсатилган юк ҳужжатлари асосида 1206 дона турли ўлчамдаги “LG” телевизорлари кириб келган.

Бунга қадар, Бухоро шаҳридаги “Vixaratekst” МЧЖ раҳбари Ш.Шеров 2018 йил 26 декабрь куни телефон орқали ўзининг хитойлик ҳамкорларидан ҳужжатларда хатолик кетганлиги ҳақида эшитгач, дарҳол божхона бошқармасига бориб, бу ҳақда ходимларга оғзаки равишда маълум қилганида, божхона ходимлари унга юк келгандан сўнг ариза билан ҳужжатларни тўғрилаб олиши мумкинлигини айтганлигини, интернетнинг “WECHAT” тармоғи орқали ҳамкорлардан юк ҳақидаги ҳужжатларни олгандан сўнг 2018 йил 30 декабрдаги 85-сонли кузатув хати билан Бухоро вилоят божхона бошқармаси “Когон” ТИФ божхона пости бошлиғи Ж.Яхёевга мурожаат қилиб, унда Хитойдан келаётган юклар юборувчи компаниянинг хатолиги туфайли “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖга юборилганлиги, қолаверса ҳужжатларда ҳам юк тўғрисидаги маълумот нотўғри кўрсатилганлигини маълум қилган.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳридаги “Shaxboz carpet tekstile” МЧЖ раҳбари М.Ачилов ҳам 2018 йил декабрдаги хат орқали “Когон” ТИФ божхона пости бошлиғига “Нити синтетический”, “Войлок не пропитанные из прочих текстильных материалов” ва “Стекловата” каби товар-моддий бойликлар юк



юбуровчиларнинг хатоси туфайли унинг корхонасига юборилганлигини, аслида бу юклар унга тегишли эмаслигини билдирган.

Шунингдек Ш.Шеров 2019 йил 2 январь куни давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан контейнерларни кўздан кечириш ҳаракатларини бошлашдан олдин, иккала хитой компаниялари томонидан товарнинг ҳамда уни қабул қилиб олувчининг номи хато кўрсатилганлиги ҳақидаги хатлар ва янги инвойсларни тақдим қилиб, контейнерларда Хитой давлатидаги “Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd” компаниясидан “Vixaratekst” МЧЖга юборилган “LG” телевизорлари борлигини маълум қилган.

Шундан сўнг, 2019 йил 2 январда божхона қўмитаси ходимлари томонидан юк контейнерлари кўздан кечирилганда, уларда йўл юк ҳужжатларида қайд қилинган товар-моддий бойликлар мавжуд эмаслиги, уларнинг ўрнида ҳужжатларда кўрсатилмаган 1206 дона турли ўлчамдаги “LG” русумли телевизорлар мавжудлиги аниқланиб баённома расмийлаштирилган.

Мазкур ҳолатлар Ш.Шеров томонидан давлат божхона қўмитаси гуруҳини контейнерлар очилмасдан, уларга божхона юк декларацияси, яъни БЮД тузилмасдан, товар моддий бойликларига давлат божи ҳисобланмасдан олдин, ҳужжатларда юк ва уларни қабул қилиб олувчи корхонанинг номи хато кўрсатилганлиги ҳақида хабардор қилганлигини, товарларни танланган божхона режими остига жойлаштириш, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган товарлар ҳақидаги маълумотларни божхона декларациясида қасддан баён қилмасликни назарда тутувчи ҳаракатларни содир этмаганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” қарорининг 9-банди 2-хатбошисида, божхона органи томонидан божхона декларациясини текшириш, товарларни кўздан кечириш ва божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар нотўғрилиги аниқлангунга қадар божхона декларациясида йўл қўйилган хатоларнинг декларант томонидан мустақил тузатилиши маъмурий ва жиноий жавобгарликни истисно этиши ҳақида тушунтириш берилган.

Божхона кодексининг 274-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахси декларант бўлиши мумкин.

Ушбу кодекснинг 276-моддасида эса декларант товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини декларациялашда божхона идентификациялаш воситалари ўзгартирилганлиги, йўқ қилинганлиги, бузилганлиги ёки йўқотилганлиги, идишлар ва ўровлар бузилганлиги, товарлар товарнинг кузатув ҳужжатларида ва божхона назоратининг бошқа ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ эмаслиги аниқланганлиги ҳақида божхона органларини ўз вақтида хабардор қилиши шартлиги белгиланган.

Иш ҳужжатларига қўшилган Ўзбекистон Республикаси Божхона брокерлари уюшмасининг 2021 йил 19 мартдаги АО-01/019-сонли маълумотномасига кўра,

-“Vixaratekst” ва “Shaxboz carpet tekstil” масъулияти чекланган жамиятлари ва уларнинг шахсан раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси ҳудудида товарлар ташуви амалга оширилмаганлиги;

-божхона чегараси ҳудудида юк ташиш ва уни божхона постигача етказиш билан (қисқа божхона юк декларацияси шаклида) декларациялаш ташувчи компания томонидан амалга оширилганлиги;

-“Vixaratekst” МЧЖ раҳбари Ш.Шеров Божхона кодексининг 276-моддасида кўрсатилган мажбуриятини бажариб, юкнинг ҳужжатларидаги номувофиқлик тўғрисида декларация тузилгунга қадар божхона идорасини хабардор қилганлиги;

-“Vixaratekst” ва “Shaxboz carpet tekstil” масъулияти чекланган жамиятлари Божхона кодексининг 275-моддасидан кўрсатилган, божхона декларацияси ва божхона мақсадлари учун зарур бошқа ҳужжатлар берилгунга қадар товарларни божхона назорати остида кўздан кечириш ҳамда ўлчаш, уларнинг намуналари ва нусхаларини олиш каби ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганликлари;

-божхона органи томонидан бирорта процессуал тўхтама келиш учун “Vixaratekst” ва “Shaxboz carpet tekstil” масъулияти чекланган жамиятлари юкни муайян режимга расмийлаштириш учун божхона декларацияси ёки бошқа бирор-бир юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат тақдим этилмаганлиги қайд этилган.

Ушбу ҳолатлар 2019 йил 2 январь куни давлат божхона қўмитаси гуруҳи томонидан контейнерлар очилиб, уларда юкнинг кузатув ҳужжатларидаги товарлар ўрнига ҳужжатларда кўрсатилмаган бошқа товарнинг борлиги аниқлангунга қадар, Ш.Шеров томонидан бу ҳақда божхона органи ходимларини хабардор қилинганлиги, унда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ёки давлат божи тўловларини тўлашдан қочиш мақсади йўқлигидан, аксинча Ш.Шеров юқорида зикр этилган қонун талаблари асосида иш юритганидан далолат беради.

Бундан ташқари, Ш.Шеров ўзининг иш бўйича берган барча кўрсатувларида, у томонидан божхона идорасига тақдим этилган хитой компанияларининг хатолик бўлганлиги ҳақидаги дастлабки хати ва инвойсларини интернет тармоғи орқали олганлигини, кейин шу ерда принтердан чоп этиб божхона ходимларига берганлигини, ўзи бирор-бир ҳужжатни сохталаштирмаганлигини билдириб келган.

Биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳ Сун Жуненг, Ш.Шеровнинг “Vixaratekst” МЧЖси ва “Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd” компанияси ўртасида 2018 йил 14 декабрь куни телевизор олди-сотдиси юзасидан шартнома тузилганлиги, “Jiangsu Mittal international Trading Co.Ltd” ва “Xinjiang



Lianda Weiye Economy and Trade Co.Ltd” компаниялари ҳамкор компаниялар ҳисобланиб, бу икки компаниянинг офиси Нанкин шаҳрида жойлашганлиги, бу икки компаниялар бир кишига қарашли бўлиб, бирга товар олди-сотдиси билан шуғулланиши, уларнинг раҳбари Чен Хуежанг ҳисобланиши, уларнинг компаниялари кўп тармоқли бўлиб ип, кийим-кечак, майший техникалар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланганлиги, уларнинг мамлакати сув йўлига яқин жойда жойлашганлиги сабабли улар телевизорларини Эрон давлатига сув йўли билан жўнатиб, кейин у ердан юк машиналарида Ўзбекистонга юборганликлари, сўнг 2018 йил 26 декабрда ҳужжатлар хато кетганлиги маълум бўлганлиги, шундан кейин дарҳол Ш.Шеровга кўнғироқ қилиб, ҳужжатлар хато кетганлигини маълум қилганликлари, 2018 йил 30 декабрда ҳужжатларни тўғрилаб, электрон шаклда ташлаб берганлиги, асл нусхаларини самолёт орқали почта қилиб жўнатганлиги, уларнинг компанияси жуда катта бўлганлиги сабабли ҳужжатларда бу каби адашиш ҳолатлари учраб туришлиги ҳақида кўрсатув берган.

Иш ҳужжатларига қўшилган Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 2019 йил 20 апрелдаги 621-сонли хулосасига асосан компьютер техникасидан фойдаланиб, рангли томчи-пурковчи принтер ёрдамида бажарилганлиги кўрсатилган 2018 йил 24 декабрдаги 1/1-сонли ва 2018 йил 18 декабрдаги 88/1-сонли инвойслар юк жўнатувчилар томонидан юборилган ва “Хўжадавлат” темир йўл божхона пости орқали товар билан бирга келган бўлиб, уларни тайёрлаш жараёнига Ш.Шеровнинг умуман алоқаси бўлмаган, шунингдек жиноят ишида ушбу ҳужжатларни айнан Ш.Шеров томонидан қалбакилаштирилганлигини исботловчи бирор бир далил мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Бухоро вилоят ИИБ ЭКБнинг 2019 йил 4 июндаги 876-сонли хулосасида Ш.Шеров томонидан тақдим этилган ҳужжатлар нусхалари, шу ҳужжатларнинг асладан кўчирилган нусхалар эмаслиги, шу жумладан шартнома, спецификация, 2018 йил 20 декабрдаги 88/1-сонли ва 2018 йил 26 декабрдаги 1/1-сонли инвойслардаги муҳр шакли нусха кўчириш йўли билан тайёрланган бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Апелляция инстанциясида Ш.Шеров ҳақиқатан ҳам 2018 йил 26 декабрь куни қайси телефон рақами орқали ўзининг хитойлик ҳамкорлари билан ҳужжатларда хатолик кетганлиги ҳақида гаплашганини, интернет орқали ҳамкорларидан олган юк ҳақидаги ҳужжатларни, интернет тармоғининг қайси мессенжери орқали қачон олганлиги ҳақида маълумотлар тўплаш имконияти мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиланган.

Шу маънода, биринчи инстанция суди, Ш.Шеровнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд эмас деб топиб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариб, Бухоро вилоят Божхона бошқармаси “Когон” ТИФга “Vixaratekst” МЧЖ томонидан 2018 йил 14 декабрдаги М181214-сонли шартномага асосан тақдим этиладиган божхона декларациясини қабул қилиб, рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш мажбуриятини юклаб, божхона тўғрисидаги қонун талаблари бажарилгач, ашёвий далил деб эътироф этилган 1206 дона телевизорларни Ш.Шеровга қайтаришни белгилаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхтамага келган деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати, протестдаги важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўлаолмаслиги сабабли, суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция протестини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497<sup>26</sup> ва 497<sup>31</sup>-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 2019 йил 27 сентябрь кундаги Шеров Шамшод Джумаевич (Sherov Shamshod Djumayevich)га нисбатан ҳукми ўзгаришсиз, апелляция протести қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

<b>Раислик қилувчи:</b>	<b>(имзо)</b>	<b>И.Хамидов</b>
<b>Ҳайъат судьялари:</b>	<b>(имзо)</b>	<b>Ҳ.Ярашов</b>
	<b>(имзо)</b>	<b>О.Набиев</b>
<b>Аслига тўғри:</b>		

